

«Ақоид» илмининг мақсади ва мавзуси | Ақийда дарслари (263-дарс)



19:00 / 05 февраль 1393

1. Бу илмининг мақсади – динга бўлган ишончни, диний ақийдаларни қатъий далиллар ила кучлантириш ва улар тўғрисидаги шубҳаларни рад қилишдир.
2. Ақийдада тақлидчи бўлишдан далил келтириш ва ишонч ҳосил қилиш чўққисига кўтарилишдир.
3. Тўғри йўлни изловчиларга очиқ-ойдин ҳақни баён қилиш билан йўл кўрсатиш ва бўйин товловчилар зиддига далил ва ҳужжатларни исбот қилиш.
4. Дин асосларини ботилчиларнинг шубҳаларидан ва адаштиришларидан муҳофаза қилиш.
5. Бу илмининг асосий мақсади эса барча шаръий илмлар каби «икки дунё саодатини ҳосил қилишдир».

Бу илмининг мавзусига келсак, зарурат юзасидан, ўз-ўзидан излаб топиб ёки далил ахтариб эътиқод қилиш лозим бўлган ишлардир. Чунки бу илмда ўша ишларнинг барчаси ҳақида баҳс юритилади. Бу ушбу фан арбоблари учун сир эмас.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.